

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 23 июнь • №24 (1408)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О И

### АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*Аҳолига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш ва яқинлаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март кuni ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:*

1. Республика тез тиббий ёрдам маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ва унинг 14 та ҳудудий филиали тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда тиббий автохўжаликлар негизида ташкил қилинсин ва тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилсин.

2. Белгилансинки:

Марказ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тез тиббий ёрдам фаолиятини республика бўйича мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда махсус автотранспорт воситалари (эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар), дори воситалари ва сарфлаш материаллари, тиббий жиҳозлар таъминоти Марказнинг ҳудудий филиалларига ўтказилади;

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида ситуацион мувофиқлаштирувчи бўлимлар ташкил этилиб, туман (шаҳар) ва ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам

тизими фаолиятини таҳлиллар асосида бошқаради ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автохўжаликлар таркибидаги тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари Марказнинг ҳудудий филиаллари таркибига ўтказилади ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш аутсорсинг шартномалари асосида амалга оширилади;

тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларида ёқилғи-мойлаш материалларининг сарфи электрон дастур орқали назорат қилинади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) бир ой муддатда Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари уставлари ва тузилмаларини тасдиқласин. Бунда,

Марказ директориغا, зарур ҳолларда, тасдиқланган тузилмаларга ходимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргалликда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, марказий туман (шаҳар) шифохоналари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автохўжаликларнинг янгиланган штат нор-

мативларини ишлаб чиқсин ва 2022 йил 1 сентябрга қадар тасдиқласин.

5. Қуйидагилар:

Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва аҳолига янада яқинлаштиришга оид чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизматини ислох қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам тизимида мавжуд автотранспорт воситалари паркинни босқичма-босқич янгилаш режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда →

### МИЛЛАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

*Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ҳар қандай жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс.*

Ахборотларнинг тез, самарали ва қулай усулда олишимиз, фойдаланишимиз замирида машаққатли, масъулиятли ва шарафли касб эгалари – журналистларнинг фидокорона меҳнати ётибди. Шу сабабли оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, фаолият самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш Давлатимиз раҳбарининг ҳам доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президентимиз қаерга бормасинлар, албатта, у ерда журналист ва блогерлар билан мулоқот қиладилар. Уларга халқ дарди, миллат тақдирига дахлдорлик ҳисси

билан яшаётган фидойи касб эгалари сифатида чексиз эҳтиром кўрсатилади. Айниқса, мамлакат ҳаётини ёритишда тиббиёт ходимлари билан ёнма-ён туриб бор билим ва маҳоратини аямаётган журналистлар меҳнати ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки, тиббиётдек мураккаб бир соҳада қалам тебратиш ва унинг ҳар бир масъулиятини юракдан ҳис этиш учун журналистларда жасорат бўлиши керак. Том маънода тиббиётчи журналистлар мактаби ҳам шаклланиб бормоқда. Бунини “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетасидаги жонкуяр ходимлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. “Инсон қадри” тамойили йўналишдаги тарғибот-тушунтириш ишларида оммавий ахборот воси-

талари ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Журналистларнинг бу йўналишдаги касб малакаси ва маҳоратини оширишга қаратилган бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, семинарлар ўтказилмоқда. Босма ва электрон нашрларда юртимизда замонавий тиббиёт, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом авлод туғилишига эришиш, тиббий маданиятни юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар моҳияти ва аҳамиятини ўзида ифодалаган кўплаб материаллар чоп этилмоқда.

Кувонарли томони журналистлар аввал ахборот тарқатувчи ролини бажарган бўлса, айни пайтда ҳар бир ислохотга, ўзгаришга дахлдор касб эгалари қаторига кирди. Яна кўплаб нодавлат ОАВлар кўпаймоқда. Бу эса рақобат дегани. Рақобат бор жойда эса интилиш бўлади, иш сифати ошади ва соҳа ривожланади. Ҳозирги вақтда электрон оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет журналистикаси ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Республикаимизда фао-



лият юритаётган 1893 та оммавий ахборот воситасидан 638 таси ёки 33,7 фоизи Интернет нашрлари – веб-сайтлар сифатида рўйхатдан ўтган. Шу ўринда мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъмин-

лаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишда барча жараёнлар инсон омилсиз, электрон шаклда амалга оширилаётгани бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этиш зарур.

*Азиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари! Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз. Масъулиятли ва шарафли ишларингизга омадлар ёр бўлсин!*

Намозжон ТОЛИПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

# АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 бетда

6. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов):

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросининг таҳлил қилинишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мақбуллаштирилладиган бўлим ва ташкилотларнинг белгиланишини ҳамда мулкӣ, молиявий ва меҳнат муносабатлари белгиланган тартибда ҳал этилишини;

тез тиббий ёрдам хизмати бўйича аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатилиши борасида чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлигининг тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини Тошкент шаҳри тажрибаси асосида республиканинг бошқа ҳудудларида **2023 йил 1 сентябрга қадар** тўлиқ жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, **2022 йил 1 декабрга қадар** Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари, **2023 йил 1 сентябрга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоӣ, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари туман (шаҳар)ларидаги диспетчерлик хизматлари тугатилиб, **Тошкент шаҳри тажрибаси** асосида Марказнинг ҳудудий филиалларида ягона **“Call-марказ”лар фаолияти** йўлга қўйилсин.

Белгилансинки, тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари – “Call-марказ”ларни ташкил этиш, жиҳозлаш ва уларнинг инфратузилмасини яратиш (электр, сув, юқори тезликдаги Интернет, телефон, рация алоқаси ва бошқалар) ҳамда атрофни ободонлаштиришга;

Соғлиқни сақлаш вазири Б. А. Мусаев – “Call-марказ”ларни жиҳозлаш талабларини белгилаш, уларнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва юқори сифатини таъминлашга шахсан масъул этиб белгилансин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Call-марказ”ларда:

чакирувларни қабул қилувчи ходимлар билан бирга шифокор ходимлардан иборат махсус тиббий маслаҳат хизмати фаолияти ташкил этилади;

раҳбар лавозимларига ИТ-парклардаги иктидорли ёшлар орасидан муносиб номзодлар тайинланади;

саралаш орқали бемор аҳволи, касаллик тури ва оғирлик даражасига қараб чакирувларга тегишли тиббий бри-

гадаларни йўналтириш тизими жорий этилади;

тез тиббий ёрдамнинг туман (шаҳар) ёки ҳудуд чегарасидан қатъи назар беморга масофанинг яқинлигига қараб тиббий бригадани йўналтириш йўлга қўйилади.

10. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов) жойларда тез ва шошилинч тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар дастури** амалга оширилишини таъминласин:

а) Марказ ва унинг ҳудудий филиалларини 4-иловага мувофиқ **жойлаштириш**, уларни **замонавий бино ва иншоотлар билан таъминлаш**;

б) Марказнинг ҳудудий филиаллари ва “Call-марказ”ларни **жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш** (сув, электр, алоқа, Интернет, локал тармоқ ва бошқалар);

в) тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини ҳамда автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар, дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий жиҳозлар **таъминотини ҳудудий филиалларга ўтказиш**;

г) марказий туман (шаҳар) шифохоналари қабулхоналарини шошилинч хизмат кўрсатишга ва юқори технологик тиббий жиҳозларни ўрнатишга мослаштириш;

д) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига **радиоалоқа воситалари ва GPS-трекерлар** ўрнатиш;

е) тез тиббий ёрдам бригадаларини **планшетлар** билан таъминлаш;

ж) Марказнинг ҳудудий филиалларида **электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида жорий этиш;

з) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни аутсорсингга ўтказиш ҳамда электрон тизим орқали назорат қилишни ташкиллаштириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил 1 декабрга қадар** ҳамда **2023 йил 1 сентябрга қадар** мутасадди раҳбарлар ҳисоботини эшитиш тавсия этилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги **Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби** (кейинги ўринларда – Мактаб) этиб қайта ташкил этилсин ва Марказ тасарруфига ўтказилсин.

Белгилансинки, Мактаб тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун ажратилган Давлат бюджетли маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** 10 мингта кўчага ном бериш ишларини якунласин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **85 миллиард сўм** миқдордаги маблағларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига йўналтирсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон банки шошилинч хизматларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида **5 миллион АҚШ доллари** миқдордаги маблағларни тез ва шошилинч тиббий ёрдамни рақамлаштириш тадбирларига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг эскирган ва фойдаланилмаётган автотранспорт воситаларини кимосди савдоларида сотишдан тушган маблағлар тез тиббий ёрдам хизмати автотранспортини янгилаш мақсадлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ҳисобрақамига йўналтирилсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигига тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув ҳамда ягона қўнғироқларни қабул қилиш тизимларини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш учун Тошкент шаҳрида мазкур тизимларни жорий қилишга жалб қилинган тизим интегратори билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилсин. Бунда, кўрсатилган хизмат тарифлари Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) **2022 йил якунига қадар** мавжуд ўринлар ва штат бирликлари доирасида:

марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларидаги ўринлари педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари таркибига ўтказилиб, беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) туну-қун ишлайдиган **шошилинч қабул бўлимларини**;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари ҳамда барча туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида **шошилинч қабул бўлимларини**;

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 1-сон, Яшнобод туманидаги

4-сон, Юнусобод туманидаги 7-сон шаҳар клиник шифохоналари ҳамда Учтепа туманидаги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси таркибида алоҳида юридик мақомга эга бўлмаган **туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини** ташкил этсин.

18. Марказ ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, уларнинг ҳудудий филиаллари ҳамда туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизмат турларидан ташқари хизматларни пуллик асосда ташкил этишга рухсат берилсин.

19. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) янги ташкил этилаётган туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини жиҳозлаш учун Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича шошилинч чораларни кўриш” лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағларни йўналтирсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):

Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** шошилинч қабул бўлимларининг янгиланган штат нормативларини тасдиқласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг ўринлар фондиди аҳоли сони ва касалликлар йўналишларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

22. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б. А. Мусаев белгилансин.

24. Қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 16 июнь

• Таширф: Эътибор ва гамхўрлик •

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Президент Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолияти билан танишди

Давлатимиз раҳбари бу муассасанинг эски биносини ўтган йили 14 майда бориб кўрган эди. У пайтда шифохона Республика гематология маркази бўлиб, катталарга ҳам, болаларга ҳам бир жойда хизмат кўрсатиларди. Дори таъминоти етарли бўлмагани, химия терапия усуллари йўлга қўйилмагани сабабли даволаниш самарадорлиги 30 фоиздан ошмасди.

Бинодаги шароитлар ҳам ачинарли эди. Бир хонада 3-4 бемор ётар, санитар хоналар умумий эди. Овқат учун ҳар бир беморга кунига 11 минг сўм ажратилган холос. Лаборатор таҳлилларнинг ярми хусусий клиникаларда ўтказиларди. Шундан сўнг, бу ерда кўрилганлар, ота-оналар ва мутахассислар билан мулоқотлар асосида, Президентимиз 2021 йил 27 май куни “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Унга мувофиқ, болалар гематологияси ва онкологияси соҳаси катталар шифохонасидан ажратилиб, алоҳида марказга айланрилди. Бу муассаса учун Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Арнасой кўчасида қурилган янги бино берилди ва жорий йил январдан иш бошлади. Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишди.

Янги марказда ўринлар сони олдинги 85 тадан 160 тага етказилган. Бемор бола ва унинг ота-онаси учун алоҳида шарт-шароитлар яратилган. Бугунги кунда 101 нафар бола даволанмоқда. 130 дан ортиқ шифокор, жумладан, 38 нафар илмий ходим ва юзлаб ҳамширалар уларга қалб кўрини бағишламоқда. Болалар онкогематологияси, гематология, онкология, реанимация, гемодиализ ва плазмаферез бўлимлари, стационар ва маслаҳат поликлиникаси замонавий жиҳозланган. Бу йил аввалгиларига қўшимча 14 турдаги асбоб-ускуна келтириб ўрнатилди. Дори воситалари билан таъминлаш даражаси ҳам яхшиланди. Масалан, 2016 йилда бунинг учун 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, ҳозир бу микдор қарийб 60 баравар оширилиб, 170 миллиард сўмга етди. 91 турдаги онкогематологик дори воситалари давлат

хисобидан бепул берилмоқда. Чет эллик консультантлар жалб этилиб, даволаш ва диагностика стандартлари янгиланди. Жумладан, ўзак хужайралари трансплантацияси сони ошди. Яна бир муҳим жиҳати, молекуляр генетика, иммуногистохимия каби мураккаб ташхислар шу ернинг ўзида йўлга қўйилди. Илгари бунинг учун намуналар Ҳиндистон, Туркия, Россия каби давлатларга текшириш учун юборилар эди. Болаларнинг даволаниши билан бирга таълим-тарбияси ҳам эътиборда. Бу ерда “Замин” фонди томонидан 40 ўринли мактаб ва 30 ўринли боғча ташкил этилган. “Меҳри мактаб” ва “Илк қадам” номли ушбу гўшаларда болалар билим олиб, қизиқарли машғулотларни ўрганмоқда.

Президентимиз марказда даволанаётган болалар ва уларнинг оналарига далда берди.

– Ёнингизга яна келишдан мақсадим – сизларга куч бериш, умидни икки қарра кўпайтириш. Бу ҳаммамизга синов. Биз давлат бўлиб, ақлимизни, кучимизни ишга солиб, бу касалликларни енгишимиз керак. Ота-оналарга кўмак бериб, болаларнинг дардига малҳам бўлиб, уларни соғайтиришимиз зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз болаларнинг орзу-истакларини қўллаб-қувватлади, тезроқ соғайиб, яхши ўқишларини тилади. Шу ерда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини кенгайтириш режалари тўғрисида маълумот берилди. Унга кўра, гемапозитик ўзак хужайраларини аллоген ва аутологик трансплантация қилиш учун 2 та асептик бино, худудлардан узоқ муддатга келадиганлар учун 200 ўринли хостел барпо этилади. Йил якунигача марказга яна 67 турдаги жиҳозлар келтирилади.

– Бу соҳа юртимизда янги



тизим. Энди уни худудий шифохоналардаги шундай бўлимлар билан боғлаб, касалликларни эрта аниқлаш зарур. Қўйи поғонада скринингни кенгайтириб, «касалликдан олдин юриш» керак, – деди Президент.

Ушбу марказ негизида илмни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

– Бинода шароит бор, муваффақият йўқ. Муваффақият илмда! Шунинг учун бу ер касаллик омилларидан тортиб, самарали даволаш услубларигача ўрганиш бўйича илмий марказ бўлиши керак. Вилоятлардаги тиббиёт ходимлари келиб, малака оширсин, – деди давлатимиз раҳбари.

Бу соҳа юксак ривожланган Германия тажрибаси асосида даволаш протоколини янгилаш, мутахассислар жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Президентимизнинг Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига ташрифи чоғида оналик ва болаликни химоя қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мамлакатимиз аҳолисининг 20 миллионини болалар ва туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Уларнинг саломатлигини алоҳида эътиборга олиш мақсадида шу йилдан барча туман ва шаҳарлардаги кўп тармоқли поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилди. Куну тун ишлайдиган педиатр шошилиш постлари ва болалар реанимация бўлимлари қайта тикланди.

Туғруқ комплекси ва перинатал марказлар, аёллар маслаҳатхоналари томонидан йилига 850 минг нафар ҳомиладорларга малакали тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Барча марказий поликлиникаларда “Онко-назорат” хоналари ташкил этилиб, 35 ёшдан ошган аёллар ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилмоқда. Бу аёлларда саратон касалликларини эрта аниқлаш имкониятини 10 баробарга оширди. Бу ишлар натижасида сўнгги олти йилда оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 21 фоиздан 15 фоизга, гўдаклар ўлими 11 фоиздан 8 фоизга камайган. Лекин битта шундай ҳолат ҳам жамиятимиз учун катта фожа. Шу боис йиғилишда оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда республикамиз бўйича атиги 16 та шифохонада асоратли ҳомиладорликка ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда. Шу боис 46 та туман ва шаҳардаги туғруқ мажмуаларида зарур шароитлар яратиш, туманлараро перинатал марказга айлантирилиши қайд этилди. Ҳар бир поликлиникада ташкил этилган 17 мингта тиббий бригада учун малакали

доялар тайёрлаб, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

Бу йил Тошкент шаҳридаги 15 та туғруқхонада чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини текшириш бошланди. Мутахассисларни ўқитиб ва махсус ускуналар харид қилиб, келгуси йилдан барча туғруқхоналарда жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда туғиш ёшидаги аёллар соғлиғига – Репродуктив саломатлик маркази, ҳомиладаги нуқсонларни аниқлашга – Скрининг маркази, фарзанд кўриш жараёнига – Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази масъул ҳисобланади. Уларнинг худудий филиаллари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишламагани сабабли аёллар сарсон бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари мазкур 3 та муассасани бирлаштириб, янги марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Бу янги марказ инновацион технологиялар асосида репродуктив саломатликнинг тиббий-биологик муаммоларини ҳал этиш, туғма ногиронликнинг олдини олиш бўйича генетик тадқиқотлар олиб бориш, беҳатар оналикни таъминлаш каби жуда муҳим вазифаларга ихтисослашади.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, шифокорлар, ҳокимлар сўзга чиқиб, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Вилоят ҳокимлари онкология ва гематология хизматларини ривожлантириш, оналик ва болаликни химоя қилиш чоралари бўйича худуд халқига мурожаат қилиши белгиланди.

ЎЗА

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# ЮЗЛАБ ТАҚДИРЛАРНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН

*Дунёда ҳар ким бахтли яшашга ҳақли. Аммо оғир хасталиклардан азият чекаётган, вужуди оғриқлардан азобланаётган инсонга қувончу шодлик татирмиди?!*



Бугун бу ерга асосан Бикки тоифа кишилар жам бўлган. Бири беморлар бўлса, бошқаси – оқ халатли нажоткорлар. Дардмандларни қийнаётган муаммолар аниқ: оғир, сурункали ёки туғма касалликлардан тезроқ халос бўлиш учун уларга давлат кўмаги, малакали мутахассислар тавсиялари ва юқори технологик жарроҳлик муолажалари зарур. Минг километр йўл босиб Тошкентдан Хоразмга келган шифокорлар эса имкон қадар кўпроқ беморларга нафи тегишидан умидвор. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан воҳада ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси шундай эзгу мақсадлар рўёби учун кенг йўл очмоқда. Акциянинг яна бир муҳим кунни. Вилоятнинг Янгибозор туманида шу ҳудуд ва унга ёндош туманларда истиқомат қилувчи беморлар учун сайёр тиббий қабул ташкил этилди.

зифаси бу ерга келувчи беморларни рўйхатга олиб, электрон тарзда тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтиришдан иборат. Боғ ичкарасидаги махсус бўлмалардан эса пойтахтдан ташриф буюрган тор соҳа мутахассислари ўрин эгаллади. Уларнинг илк вазифаси — беморларни тиббий ёрдамга мухтожлик даражасига кўра таснифлаш. Бу кўрсатиладиган тиббий хизмат

давлат ҳисобидан даволаниш учун йўлланмалар расмийлаштирилди. Масалан, Янгибозор туманида яшовчи 68 ёшли Мунаввар Жуманиёзова ҳам бу ерга дард билан келган. Онахон икки йилдирки, юрак соҳасидаги оғриқлардан азият чекади. Томирларида ҳосил бўлган тромб қон босими тез-тез кўтарилиб кетишига сабаб бўлаётганди. Вазир Мунаввар аянинг мурожа-



Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев бошчилигидаги тизим мутасаддилари, Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, пойтахтдаги етакчи шифохоналар, тиббиёт олий ўқув юртларининг энг малакали мутахассислари – жами 150 нафардан зиёд гуруҳ фуқароларни қабул қилиб, улар билан мулоқот ўтказди. Жараён беморларга қулай бўлиши учун сайёр тиббий қабул манзили кираверишига маҳаллий тиббиёт ходимларидан иборат бригада жойлаштирилди. Уларнинг ва-

ҳажмини туман, вилоят ва республика миқёсида белгилаб олиш учун зарур.

Ўртада эса вазиримиз Бехзод Мусаев аҳоли мурожаатларига кулоқ тутди. Уларнинг муаммоли масалаларини жойида ҳал этиш чораларини кўрди. Мурожаатларнинг бир қисми эса вазирлик ва тиббиёт муассасалари мутасаддиларининг назоратига олинди. Қолаверса, мураккаб жарроҳлик амалиётлари талаб этиладиган, бироқ даволанишга имкони йўқ бир гуруҳ аҳоли вакилларига шу ернинг ўзида

атини тинглади, хасталикдан тезроқ халос бўлиши учун шифокорларга тегишли топшириқлар берди. Шу тариқа унга Тошкентда давлат ҳисобидан даволаниши учун йўлланма расмийлаштирилди. Онахон эса кўзларидаги қувонч ёшларини яшира олмади.

Яна бир мурожаат эгалари икки ёшли жажжи бемор ўғли – Муҳаммадалини кўтариб келган. Болакай туғма юрак нусони билан дунёга келган. Қарийб 48 ойдирки, ота-онасининг ҳаловати йўқолган. Фарзандини пойтахтдаги етакчи шифохоналардан бирида даволатиш ниятида. Сайёр тиббий қабул давомида ушбу мурожаат ҳам ўз ижобий ечимини топди. Муҳаммадалида тез кунларда юқори технологик операция ўтказиладиган бўлди.

**Зафар Собировнинг хасталиги эса оёқларида.** Тизза бўғимларидаги оғриқлар туфайли бир неча йилдирки, қўлтиқтаёкда юришга мажбур. Шифокорлар унда давлат ҳисобидан юқори техно-

логик операция ўтказишга қарор қилишди. Бемор энди Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида муолажа олади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқотидан сўнг Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ўтказилган соғломлаштириш акциялари тиббиётни халққа янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Энди эса ушбу самарали механизм Хоразм вилоятида ҳам ҳаётга татбиқ этиляпти. Бу орқали, аввало, маҳаллий аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларда аниқланган касалликлар бўйича ҳудудлар кесимида касалликлар баланси ва беморлар рўйхатини шакллантириш мақсад қилинган. Шундан сўнг хасталикка чалинганлар оғирлик даражаси бўйича таснифланиб, юқори технологик амалиётларга мухтож тоифа Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан операцияга тавсия этиляпти. Хусусан, акция бошлангандан буён санокли кунлар ичида вилоят тиббиёт муассасаларида 100 дан зиёд ана шундай мураккаб ва ноёб операциялар муваффақиятли бажарилгани қувонарлидир. Эслатиб ўтамиз, айни пайтда вилоят соғлиқни

сақлаш бошқармаси тизимида 170 та тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Шундан 13 таси кўп тармоқли марказий поликлиника, 71 таси оилавий поликлиника, 26 таси оилавий шифокор пунктидир.

Бинобарин, 29 та стационар даволаш муассасаси аҳоли хизматида. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар стоматология поликлиникаси ҳамда 11 та туман тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимлари кичик ёшли беморлар саломатлигини тиклашга масъул. Уларда тиббий хизмат сифати ва қамрови йил сайин ошиб бораётгани, албатта, ижобий ҳолат. Лекин тизимда ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар ҳам кам эмас. Хусусан, Хоразм вилояти Оролбўйи минтақаси ҳудудида жойлашгани боис воҳадаги экологик муаммолар аҳоли саломатлигига ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмапти. Бугун мазкур вилоятда яшовчиларнинг 25,2 фоизи сурункали касалликлар билан диспансер назоратида туради. Бу кўрсаткич 2021 йилда 28,6 фоиз, 2020 йилда 29,8 фоиз ва 2019 йилда 31,8 фоизни ташкил қилганини ҳисобга олсак, пасайиш динамикаси қайд этилаётгани эътиборга молик жиҳат. Аммо юртимизда тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, кадрлар салоҳияти оширилаётган, замонавий илм-фан ютуқлари ва инновацион ёндашувлар, илғор технологиялар соҳага кенг татбиқ этилаётган бир пайтда бу натижалардан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, акция давомида бундай ўткир муаммоларни тизимли ва манзилли ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини яхшилаш, олис ва чегара туманлар аҳолисининг соҳага доир муаммоларига ижобий ечим топиляпти.

*Хоразмдаги сайёр тиббий қабуллар бу борада яна бир муҳим амалий қадам бўлди.*

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# ДАРД БИЛАН КЕЛИБ, ҚУВОНЧ БИЛАН ҚАЙТЯПМИЗ

© Давоми. Боши 4-бетда

**Хасталик — оғир синов. Чорасизлик эса ундан-да оғир дард! Бироқ давлатимиз ҳар қандай вазиятда ҳам фуқароларни ёлғизлатиб қўяётгани йўқ! Айниқса, оғир касалликлардан азият чекаётган, бироқ даволанишга имкон тополмаётган юрдошларимизга биринчи навбатда кўмак бериш чоралари кўришмоқда.**

Аммо халқимизнинг тиббиётдан тўлақонли рози бўлиши учун ҳали қатор янги ланишларга эҳтиёж бор. Яъни соғлиқни сақлаш соҳаси чинакам халқчил тизимга айланиши учун оғир аҳволдаги одамлар узок йўқ босиб, узун навбатларда туриб, малакали мутахассислар қабулига келиши эмас, тажрибали тиббиёт мутахассисларининг ўзи эҳтиёжманд беморлар ҳузурига бориб, уларни дарддан халос этиши зарур! Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқотидан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ўтказилган соғломлаштириш акциялари бу борадаги эзгу ишларнинг бошланиши бўлди. Энди эса ушбу самарали механизм бошқа ҳудудларда ҳаётга татиқ этиляпти. Мана, вазирлик марказий аппарати жамоаси, ихтисослаштирилган марказлар мутахассислари ва тиббиёт олий ўқув юртлири профессор-шифокорлари, жами

линглар оғирлик даражаси бўйича таснифланиб, юқори технологик амалиётларга муҳтож тоифа Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан операцияга тавсия этилди. Акция доирасида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида юқори технологик операцияларни бошдан ўтказган, шу билан бирга, мураккаб жарроҳлик муолажасига ҳозирланаётган бир гуруҳ беморлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.

кўйди. Чанок-сон бўғмида эндопротезлаш операциясини ўтказиш тавсия этилди.

– Бу мураккаб амалиёт ҳисобланар экан, – дейди бемор. – Қолаверса, унинг сарф-харажатлари жуда қимматга тушаркан. Бунинг устига, пойтахтга бориб операция қилдиришим кераклигини айтишди. Очиғи, шунча маблағни қаердан топишимни билмай, тузалишдан умидимни узган эдим.



лишга қарор қилишди. Амалиёт давлат ҳисобидан ўтказилар экан. Эртага – операция. Қўли енгил шифокорларимизнинг билим ва маҳоратидан кўнглим тўқ. Қизим соғайиши учун кўп заҳмат чекдик. Давлат дардимизни эшитди, бизга ёрдам қўлини чўзди. Шундай синовли кунларда ёлғизлатиб қўймагани учун шифокорларимиздан ҳам жуда миннатдоримиз...

**“ТИББИЁТ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШАЁТГАНИ ШУ, БОЛАМ...”**

Эндигина 12 ёшни қарши олган Бехзоджон Исмоилов гўдаклигида рахит касаллиги билан оғриган. Шундан сўнг унда мазкур хасталик асорати ўлароқ кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси шаклланган. Шифокорлар уни жарроҳлик амалиётига олиб кириш учун тайёргарлик кўрар экан, болакайнинг бувишини суҳбатга тортидик.

– Набирамда бу хасталик ривожланаётганини билмаган эдик, – дейди онахон. – Сўнги пайтларда тез-тез толиқадиган, нафаси қисадиган бўлиб қолганди. Аммо бу аломатларга жиддий эътибор қаратмаган эканмиз. Яқинда шифокорлар “хонадонбай” ўрганишлар чоғида уйимизга борганида, унда жиддий касаллик борлиги, тезкор муолажалар зарурлигидан хабар топдик. Дўхтирлар Хоразмда соғломлаштириш акцияси ўтказилаётгани, набирамни текинга даволашларини айтишгач, шу ерга келдик. Мана, операцияга олиб киришяпти болагинамни. Уни Тошкентдан келган профессорлар даволашини эшитиб, янаям хотиржам бўлдим. Биз соғлигимизга етарли эътибор қилиб, шифокорлар ҳузурига ўз вақтида бора олмасак ҳам, уларнинг ўзлари беморлар олдиға келиб, дардимизга малҳам бўляпти. Тиббиёт халққа яқинлашаётгани шу-да, болам...

Давоми 6-бетда



Уйға бемор эмас, бахтиёр инсон бўлиб қайтиш насиб этаётганидан бошим осмонда...

**“ҚИЗИМ УЧУН БУЙРАГИМНИ ЭМАС, ЖОНИМНИ БЕРИШГА ХАМ ТАЙЁРМАН”**

Жигарбанди кўз ўнгида хасталикдан сўлиб бораётганини кўриш ота-она учун жуда оғир. Аммо дарднинг давоси бўлса-ю, муолажа учун моддий имконият топилмаса, бундан яқинларнинг дили янада хуфтон бўлиши тайин.

Эллик олти ёшли Хусанбой Қусиеновнинг ҳали ўттизга ҳам кирмаган дилбанди, яққа ёлғиз қизи Гўзал – оғир хаста. Тўрт йил аввал буйрағида оғриқлар пайдо бўлиб, анча ўзини олдириб қўйган. Тиббий текширувлар натижаси маълум: тезроқ буйрак трансплантациясини ўтказиш зарур! Ота эса қизига нафақат бир буйрағи, балки жонини ҳам беришга тайёр. Аммо масала шу билангина ечим топса, қанийди?! Операция сарф-харажатлари жуда қимматлиги боис Хусанбой ака тиним билмай ишлаб пул йиғишга киришиб кетди. – Шу кунларда вилоятимизда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси жонимизга оро кирди, – дейди у. – Мушқулимиз осон бўлди. Акция доирасида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари қизимни ва мени тиббий текширувлардан ўтказиб, дарҳол операция қи-

Шундай кунларда Тошкентдан келган малакали шифокорлар маҳалларда ўрганишлар ўтказиб, мени ҳам давлат ҳисобидан операция қилинадиган беморлар рўйхатиға қўшибди. Аввалиға ишонгим келмади. Лекин ҳаммаси жуда тез содир бўлди. Кечанинг ўзидаёқ вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари бошчилигида чап оёғимга эндопротез ўрнатилди. Мана, ҳозир аҳволим яхши. Дўхтирларнинг айтишича, бир неча кун ўтиб бемалол юра оламан. Шу дамларда тезроқ уйға қайтиш ҳақида ўйляпман. Энди жажжси фарзандларим соғиниб қучогимга талпинганида, етти мучаси соғ бошқа оталар каби уларни бемалол опичлаб юра олишимни тасаввур қилсам, юрагим ҳаприқиб кетяпти.

**“ЭНДИ БОШҚА ОТАЛАР КАБИ БОЛАЛАРИМНИ БЕМАЛОЛ ОПИЧЛАБ ЮРА ОЛАМАН...”**

Исобек Ҳайитбоев – Гурлан туманидан. Ўттиз олти ёшда. Кейинги йилларда бўғимларида оғриқлар кучайиб, бир оёғи иккинчисидан 4 сантиметр қисқариб, юришга қийналиб қолгач, шифокорларга мурожаат қилган. Мутахассислар унга чап томонлама диспластик коксартроз хасталиги ташхисини



150 нафардан ортик етакчи мутахассислар шу кунларда юртимизнинг яна бир олис манзили – Хоразм вилоятида бўлишди. Бу ерда бошланган соғломлаштириш акцияси орқали, аввало, маҳаллий аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларда аниқланган касалликлар бўйича ҳудудлар кесимида беморлар рўйхати шакллантирилди. Шундан сўнг, хасталикка ча-



“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# ҲЕЧ БИР БЕМОР УМИДСИЗ ҚАЙТМАДИ

Охири. Боши 4 ва 5 бетларда

**Баъзан бетоб инсоннинг оғир хасталикдан халос бўлиб, тезроқ оёққа туриши учун дори-дармон ва тиббий муолажаларнинг ўзи етарли эмас. Аввало, ишонч муҳим! Қолаверса, шифокорларнинг ширин сўзи, меҳр ва эътибори дардманд одамга катта далда, бўлмоқда.**

Пойтахтдаги етакчи тиббиёт мутахассислари эса Хоразмга фақат шу мақсаднигина кўзлаб келмаган. Асосий миссия Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизими олдига қўйган талабини адо этиш, яъни тиббий хизматни халққа янада яқинлаштиришдан иборат. Шу кунларда Хоразм вилоятида яшовчи кўплаб беморлар буни ўз хаётида яққол ҳис қилмоқда. Чунки Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳудудда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси доирасида тизим мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, Тошкентдаги етакчи шифоналар, тиббиёт олий ўқув юртлари шифокорларидан таркиб топган гуруҳ чекка ва олис маҳаллалар, ҳатто хонадонларга кириб бормоқда.

**Навбатдаги манзил – Хонқа тумани.** Бу ерда ташкил этилган сайёр тиббий қабулга нафақат шу ҳудуд, балки қўшни Янгиарик, Боғот ва Урганч туманлари аҳолиси ҳам келди. Уларнинг ҳар бири соғайишдан умидвор. Давлатнинг кўмагига муҳтож. Сайёр қабул иштирокчилари дастлаб рўйхатга олинди, электрон тарзда тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтирилди. Шундан сўнг улар беморлик даражасига кўра таснифланиб, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми туман, вилоят ва республика миқёсида белгилаб олинди. Муаммоли масалалари бор фуқароларни эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари қабул қилиб, муолажаларига тезкор ечим топиш

чораларини кўрди. Мураккаб жаррохлик амалиётлари талаб этиладиган, бироқ даволанишга имкони йўқ аҳоли вакилларига шу жойнинг ўзида давлат ҳисобидан даволаниш учун йўлланмалар расмийлаштирилди. Масалан, сайёр тиббий қабул бошланганидан кўп ўтмай Боғот туманилик бемор, эллик ёшли Арслон Худайбергановни тиббий текширувдан ўтказган шифокорлар унда гемоглабин миқдори кескин пасайиб кетганини аниқлади. Бундай шароитда ҳар дақиқа кадрли. Шу боис мутахассислар бу ерга дарҳол тез тиббий ёрдам машинасини чақириб, Арслон акани шифонага олиб кетди.

Дилфуза Султонова – Хонқа

гарбандининг тўққиз йиллик дарди эзиб қўйган. Тошкентда керакли муолажаларни олишга эса моддий имконияти етмайди. Сайёр тиббий қабулда шифокорлар унинг муолажасига кулоқ тутди. Севинчой пойтахтдаги Болалар миллий тиббиёт марказида давлат ҳисобидан даволанадиган бўлди.

“Хавотир олманг, қизингизни тузатамиз, ҳали чопқиллаб юриб кетади” деган сўзлардан кейин муштипар она-



тахтда давлат ҳисобидан амаллаштирилиши белгиланди.

**Янгиарик туманилик Гулшан Жуманиёзова эса бу ерга кўлтиктаёқ ёрдамида кириб келди.** Шифокорлар беморнинг икки тизза бўғимида ҳаракатлари кескин чекланганини аниқлашди. Унда зудлик билан эндопротезлаш амалиётини ўтказиш зарур. Мутасаддилар Гулшанни Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия



туманидан. Тўққиз ёшли қизалоғини кўтариб олган. Кўзларида мунг. Чунки фарзанди Севинчой – оғир хаста. Ўнг томонлама гидроцефалия касаллиги билан туғилган. Юролмайди, эркин ҳаракатланишга ожиз. Меҳрибон онани эса жи-

нинг кўзларидан севинч ёшлари сизди.

**Яна бир бемор – Азизбек Норбоев 23 ёшда.** II гуруҳ ногирони. Туғилганидан буён кўзлари хаста. Дунёни ёркин рангларда кўра олмайди. Акция давомида унинг ҳам дар-

дига дармон топилди. Азизбекнинг кўз гавҳари юқори технологик операция орқали пой-

илмий-амалий тиббиёт марказида муолажа қилишга қарор қилди.

**Сайёр тиббий қабулда бошқа юзлаб беморлар билан ҳам мулоқот ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклаш билан боғлиқ муаммоли масалаларига жойида амалий ечим топилди.**


## БЕМОРЛАР ХОНАДОНИДА БЎЛИШДИ

**Халқимиз соғлиқни сақлаш соҳасидан тўлақонли рози бўлиши учун малакали тиббий хизмат аҳолига яқинлашишигина эмас, балки ҳар бир бемор хонадонига кириб бориши зарур!**

Ҳозир жойларда айнан шундай самарали тизимни шакллантиришга киришилган. Бунинг учун аввало, маҳаллабай, хонадонбай ўрганишлар асосида касалликлар баланси яратилиб, аҳоли вакиллари мамлакатимизнинг етакчи шифокорлари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Оғир хасталикка чалинган, юқори технологик операцияга муҳтож, аммо даволанишга имкон топа олмаётган

эҳтиёжманд юртдошларимиз эса давлатимиз кўмагида саломатлигини тиклашга муваффақ бўляпти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Хоразм вилоятида ўтказилаётган соғломлаштириш акциясида кўзланган мақсад ҳам шу! Хусусан, вазирлик ходимлари, Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, пойтахтдаги етакчи даволаш муассасалари шифокорлари ҳамда соҳа учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув

юртлари олимларидан иборат гуруҳ акция доирасида вилоятнинг Қўшқўпир туманида бўлди. Беш юз эллик қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси беморлар билан гавжум. Тошкентдан келган мутахассислар маҳаллий шифокорлар кўмагида аҳоли вакиллари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Хасталик аниқланганларнинг бир гуруҳига шу ернинг ўзида зарур тиббий ёрдам кўрсатилиб, тегишли муолажалар буюрилган бўлса, аҳоли оғир, мураккаб операцияларга муҳтож бошқа тоифа эҳтиёжманд беморларни вилоят, республика



тиббиёт муассасаларида давлат ҳисобидан бепул даволаш чоралари кўриляпти. Яна бир эътиборли жиҳати, акция доирасидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар турли

хавфли хасталиклар туфайли тўшакка михланиб қолган юртдошларимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Давоми 7-бетда →

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# БЕМОРЛАР ХОНАДОНИДА БЎЛИШДИ



Охири. Боши 4, 5 ва 6-бетларда

**Рустам Рахимов** – Кўшкўпирнинг Бахористон маҳалласидан. 37 ёшда. Олти йилдирки, жигар церрози халталигидан азият чекади. Дард билан курашиб, аҳволи анча ёмонлашган. Маҳаллий шифохоналарда режали муолажалар олиб келаётган бўлса-да, пойтахтнинг етакчи тиббиёт муассасаларида даволаниш учун оилавий шароити тўғри келмайди.

Соғломлаштириш акцияси доирасида Тошкентдан Хоразмга келган тажрибали мутахассислар орасида

Вирусология илмий-текшириш институти шифокорлари ҳам бор. Улар Кўшкўпирдаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни яқунлаб, Рустамжоннинг хонадошида ҳам бўлди. Бемор тиббий текширувдан ўтказилгач, мазкур шифо маскани клиникасида даволанадиган бўлди.

Шу маҳаллада яшовчи ўн тўққиз ёшли Отабек Ёқуббоевга зўрайиб борувчи мушаклар дистрофияси касаллиги ташхиси қўйилган. Икки ёшидан буён мустақил юришга қийналаб келаётган бемор ҳозир бутунлай тўшакка михла-

ниб қолган. Шифокорлар Отабекнинг саломатлигини кўздан кечириб, унинг тезроқ соғайиши учун керакли чораларни кўрадиган бўлишди.

Кўшкўпирлик Комилжон Тўраев ҳам оғир хасталик асоратларидан тезроқ халос бўлиш умидида. И гуруҳ ногирони бўлган 67 ёшли бемор 2014 ва 2015 йилларда кетма-кет икки бор инсулт хасталигини бошдан кечиргач, соғлигини йўқотди. Хо-



зир юришга қийналади. Тажрибали шифокорлар отахоннинг хонадошига келгач, унинг касаллик тарихини кўз-

дан кечирди, тегишли тиббий текширувларни амалга ошириб, керакли тавсияларни берди.

Шу билан бирга, Комилжон аканинг қандли диабет касаллигидан азият чекиб келаётган рафикаси Розика аянинг саломатлиги ҳам Тошкентдан келган шифокорлар назоратига олинди.

*Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби эзгу мақсадлар замирида инсон саломатлиги ва қадри муҳасам экан, бундай кенг аудиториядаги саломатлик акцияларининг нуфузи янада ошиб бораверади.*

@ssvuz

Дил изҳори

## ҚАЛБДАГИ ТАШАККУРИМИЗ СИЗГА

*Аваломбор, мамлакатимиздаги она ва болалар саломатлиги йўлида қайғураётган ҳамда эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Давлатимиз раҳбарига оилавий миннатдорлигимизни билдираман.*

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз касбининг мохир устаси, қолаверса, эзгу фазилатларга бой бўлиб, фақат яхшилик сари интиладилар. Ана шундай инсонлардан бири болажонларимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб келаётган Навоийлик болалар шифокори Эркин Рустамовдир. Фарзандимиз Ардамиржон 2021 йилнинг август ойида муддатга етмасдан дунёга келди. Саломатлигим тўғри келмаганлиги туфайли, фарзандимини сунъий озиклантиришга тўғри келди. Бу борада онадан ҳам кўра, шифокорларнинг дақиқа сайин қимматли маслаҳатлари керак бўлар экан. Тўғриси айтганда, Ардамиржонни ўз вазнига етиб олиши учун мураккаб жараёнларни босиб ўтишга тўғри келди. Кичкинтойимиз саломатлиги тикланишида болалар шифокори Эркин Рустамовнинг хиссаси ниҳоятда катта бўлди. Тажрибали врачнинг даво муолажалари, қимматли маслаҳат ва тавсиялари сабабли Ардамиржон ўз тенгурларига тезда етиб олди. Айниқса, малакали шифокор



Эркин Рустамовнинг фарзандимизга исталган вақтда кўрсатган беғараз ёрдамларидан оиламиз-аҳли ниҳоятда миннатдор. Шу ўринда, дилбандимизнинг саломатлиги учун қайғурган, бор билимини аямаган, эзгу-фазилатларга бой ҳамда ўз касбининг фидойиси Эркин Рустамовга яна бир бор мамнунлигимизни “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетаси орқали изҳор этамиз.

*Фурсатдан фойдаланиб, оилавий шифокоримизга муштақкам соғлиқ ва масъулиятли ишларига улкан зафарлар тилаб қоламиз.*

**Маржона ТОЛИПОВА,**  
Навоий вилояти,  
Кармана тумани.

АМАЛИЁТ, ТАЖРИБА, МАҲОРАТ

## УЛЬТРАТОВУШЛИ СКАЛЬПЕЛДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛДИ

*Тошкент вилоятида илк бор “Ўнг томонлама лапароскопик нефрэктомия” жарроҳлиги амалиёти муваффақиятли ўтказилди.*



Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимига бўлган эътибори боис, республикамиздаги барча тиббиёт муассасаларининг замонавий технологиялар билан таъминланиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кенг имкониятлар яратмоқда. Хусусан, Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига келтирилган энг замонавий ускуналар бу ерга нажот истаб келаётган беморларнинг жонига оро кирмоқда.

Пискентлик Мавжуда Қурбоновага “Ўнг буйракнинг иккиламчи бужмайиши, функцияси йўқ ўнг буйрак” ташхиси қўйилган эди. Вилоятда илк бор видеоартроскоп ва видеолапароскоп ускунаси қўлланилиб, Мавжуда Қурбонovaning “Ўнг томонлама лапароскопик нефрэктомия” жарроҳлиги муваффақиятли ўтказилди. Жарроҳлик Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси Шожасур Имомов

ҳамда тиббиёт маркази уролог шифокори Абдувоҳид Султонов билан бирга амалга оширилди. 90 дақиқа давом этган жарроҳлик амалиёти давомида қон кетиш минимал даражада бўлди. Бундай натижага ультратовушли скальпелдан самарали фойдаланиш эвазига эришилди.

Республика ихтисослаштирилган Травматология-ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази мутахассиси Шаҳзод Хамроев бошчилигида ҳамда Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази травматолог-ортопед шифокори Азизжон Мансуров томонидан бемор Тошкент вилояти Охангарон шаҳар Қаландаров яшовчи Мухаббат Якубова “Чап томонлама деформацияловчи остеоартроз, гонартроз III даража, медиал мениск менископатияси ва жароҳати, синовити” ташхиси билан “Чап тизза бўғимини диагностика артроскопияси, медиал мениск қисман менискэктомияси” операцияси муваффақиятли ўтказилди.

Намозжон ТОЛИПОВ.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

## МЕХНАТИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Наманганда номдору донгдор журналистлар асли азалдан унча кўп бўлмаган, ҳозир ҳам шундай. Ана ўша санокли соҳадош сафдошларимиз ичида Абдулла Ғозиевни ёши улуг авлод аввалдан тележурналист сифатида яхши танийди. У муболагасиз ўзгаларга ўхшамаган, ўзига хос инсон. Кийинишидан тортиб, юриш-туриши ўзига ярашади.

Йиллар, урфлар ўзгарсаям Абдулла Ғозиевни ўзгартиролмаган. Идеал ички ва ташқи кифога эгаллиги бироз расмий, бироз китобий феъл-атворида намоен. Ҳамиша ҳалолу, хушёр, адолатсевару адолатсиз, ҳар вақт ростгўю лафзига содиқ. Сўзлари – самимий, сермаъно. Яъни мақолалари – мазмундор, талқинлари – таъсирчан. Буларнинг барчаси 65 баҳорни қаршилаган ижодкорнинг чинакам баркамоллиги шаҳодати эмасми?! Биз Абдуллажон билан икки асрда умргузаронлик қилаётган касбдошларимиз. Икки тузумни кўриб келямиз. Иккисида ҳам оммавий ахборот воситаси ҳамда матбуот жамиятда халқ ҳаракатини жишслаштиришу жадаллаштиришни таъминловчи гоёвий тарғиботчилик вазифини ўтар экан, иккимиз шундай масъулиятни бирин-кетин зиммага олганмиз. Мен 1975 йилдан Тўрақўрғондаги “Машъал” газетасида, Абдуллажон 1979 йилдан вилоят радиосида мухбирлик фаолиятига киришганмиз. Ёдимда ўтган асрнинг 70 – йиллари охиридан унинг овози Наманганнинг шаҳару туманларидаги радиоканаллардан янграй бошлаган.

– Радиокomitee раиси Дилдора Аҳмедова ва бош муҳаррир Носиржон Жўрабоевларнинг топишириги ва йўл – йўриқлари асосида ишлаб, жамоада ўз ўрнига эга мухбирлар қаторида кўшилганман, – дея таъкидлайди у зўр мамнуният билан. – Яна бир устозим – иқтидорли ёзувчи Обиджон Жуманазаровнинг кўйидаги уқтиргиларини ўқтин-ўқтин эслаб юраман: “Абдуллажон елкага магнитофонни осиб, микрофонни эшитириш қаҳрамонларига тутиб юверининг ўзи камлик қилади. Кўпроқ қалам тебратинг, очерк ва лавҳаларга тайёрланг, овозлисини радиого, ёзмасини газетого беринг. Маҳоратингиз ўсиб, икки томонлама мухлислар орттирасиз.” Яхшиям шу устознинг



панду насихатларига вақтида қулоқ тутганим, эндиликда 16 йилдан бери босма нашрлар муҳарририман.

Дарвоқе, Абдулла Убайдуллаевичнинг ижодий фаолияти уч боскичда кечмоқда. Юқорида баён этганимиз илк боскичга тўғри келади. Радиомухбирликка киришиб, радио муҳаррири даражасига эришди. Мустақиллик билан теппа-тенг унинг ҳаётида иккинчи боскич бошланди. Дастлаб Ўзбекистон телевиденисининг Наманган вилояти бўйича мухбири, 1994 йилдан Ўзбекистон телевидениеси “Ахборот” дирекциясининг Наманган вилоятидаги мухбири вазифарига лойиқ кўрилди. Мухлислари илгарилари фақат Абдуллажоннинг овозини эшитишган бўлса, бундан буён телеэкранда ўзини ҳам кўришавергач, у таниш сиймога, машҳур журналистга айланди. Ўтган асрнинг ўша 90 – йилларида мамлакатимиз телевидениесида фақат 2 та “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” канали кўрсатувлари эфирга узатилади. Ҳар кунги “Ахборот”да Наманган вилоятдан қандай янгилик ёритилса, унинг ижодкор-муаллифи Абдулла Ғозиев ва оператори Хайрулла Мурашев бўлар эди. Кечагидек ёдга тушади. 1992 йилнинг 2 мартида Мингбулоқда нефть фаввораси отилиб чиқди. Ўша ондан бошлаб, Абдулла Ғозиевнинг долзарб репортажи “Ахборот”ни кунма-кун бир неча ойлаб банд этди. Ҳамкор оператор Хайрулла Мурашев икковлари Ўзбекистон телерадиокомпанияси раҳбарлари қаерга сафарбар этишса, ўша захоти йўлга тушишарди. Нотинчлик хавфи туғилиб турган паллада истиқлолнинг фидойи ҳимоячилари, чегарачи ватанпар-

варлар ёнигача етиб боришган. 90-йиллар бошларида вилоятимизда бош кўтарган диний-экстремистик кайфиятдаги ғаламис кимсаларнинг кирдикорларини рад этиб бўлмас далиллар асосида фош қилинган туркум кўрсатувларнинг яратувчиси ҳам журъатли тележурналист Абдулла Ғозиев эди. Биринчи Президент Фармонига кўра 1999 йили “Жасорат” медали билан тақдирланди. Абдулла Ғозиев ўзининг учинчи умр боскичи газеталар таҳририятида кечиниши ҳатто хаёлидан ўтказмаган эди-ю... лекин уни қутилмаганда 2006 йили Тўрақўрғон ҳокимлигининг “Давр” газетаси муҳаррирлигига ўтказишди. Шу ернинг ўзида газета тўқис тайёрлашиб, интернет орқали босмаюнага узатишни йўлга қўйиш чоралари кўрилди.

У 2010 йилдан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси муассислигидаги “Шифокор ва ҳаёт” газетаси муҳаррири. Энг муҳими, унинг раҳбарлиги ночор ҳолатдаги таҳририят йилдан-йилга моддий жиҳатдан мустаҳкамланди. Абдулла Ғозиевнинг ўн икки йиллик муҳаррирлик фаолияти ҳам биру 2020 йилдаги машаққатлари ҳам бир бўлгани каминга ойнадай аён. “COVID –19” пандемияси авжига чиққан таҳликали дамларда у кеча-кундуз оёқда турди. Охир оқибат коронавирус ўзини ҳам палатага ётқизди. Қатъий режимда, сунъий нафасда олдириш аппаратига уланган ҳолда неча кунлаб ўлим билан олишди... Тузалгач, фаолиятга қайтди. Умрининг учинчи боскичидаги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига кўра “Соғлом турмуш” медалига муносиб топилди.

Абдулла Ғозиевнинг муҳаррирлик, ижодкорлик ва маҳорат мактабидан журналистларнинг навқирон авлоди, албатта, сабоқ олиши керак.

Содиқ САЙХУН,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
“Шуҳрат” медали соҳиби.



ҲАСАН АБДУҒАНИЗОДА

Соҳадаги фаолиятимни матбуот йўналишида бошлаганим учун босма нашрларга меҳрим ўзгача. Ҳанузгача қўлимга бирор газета тушса, астойдил ҳижжасалашга киришаман. Мен учун муҳими таҳлил ва мулоҳаза. Байрам арафасида сизларга ижодимдаги туркум шеърларимни ҳавола этмоқчиман.

## Яхши одамлар!

Одамлар бор шундай: яхшидан-яхши,  
Қилган ҳар амали ҳаётнинг нақши,  
Сухбати ҳокимдир, ўзлари бахши,  
Яшасин! Бор бўлсин, яхши одамлар!  
Бахт сизга ёр бўлсин яхши одамлар!

Кўнгли тўқ, хотамтой, бори барака,  
Вақти келса дўстдир, ўрнида ака,  
Баъзан жигарингдан ортиқроқдака,  
Яшасин! Бор бўлсин, яхши одамлар!  
Бахт сизга ёр бўлсин яхши одамлар!

Бировнинг молига тикмайди кўзин,  
Игволардан тортиб юради ўзин,  
Сўз берса ҳар қачон тутуди сўзин,  
Яшасин! Бор бўлсин, яхши одамлар!  
Бахт сизга ёр бўлсин яхши одамлар!

Яхшига ёрларнинг иши юрибди,  
Яхшилар бор учун дунё турибди,  
Ёмондан айтинг ким ҳузур кўрибди,  
Яшасин! Бор бўлсин, яхши одамлар!  
Бахт сизга ёр бўлсин яхши одамлар!

## Блогер бўлсаммикан?

(Ҳазил)

Муаммолар бироз қалашиб қолди,  
Ечимга йўл излаб бошим ҳам толди,  
Ишлари “беш” экан, ақлимни олди,  
Блогер бўлсаммикан?

Аввал бир соҳани чама қиласан,  
Сўнг бир муаммога шаъма қиласан,  
Кейин мудоаонени таъма қиласан,  
Блогер бўлсаммикан?

“Журналист ким бўпти, “дипломли маддоҳ!”  
Раҳбарлар не деса дарров ҳайрихоҳ,  
Блогерларчи ўз-ўзига подшоҳ...”  
Блогер бўлсаммикан?

Тўрт йил бош оғритиб ўқиб юрмайсан,  
Истаган нарсангни кўриб, кўрмайсан,  
Муҳими, маоини кутиб турмайсан,  
Блогер бўлсаммикан?

Бирор бир раҳбарнинг “кўнглин” топасан,  
Ва унинг бор айбин “силлиқ” ёпасан,  
Қарабсанки, Қирим, Дубай чопасан...  
Блогер бўлсаммикан?

Мавзуну-мавзуга бандаж\* қиласан,  
Касбинг, овозни ҳам монтаж қиласан,  
Бор, ақлинг етмаса шантаж қиласан,  
Блогер бўлсаммикан?

Ёзганларим ҳазил, чин, берсин тузим,  
Ўйлаб кўриб дедим, ўзимга ўзим  
Шу дўстларга айтиб дилдаги сўзим,  
Балогир бўлсаммикан!

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Амрилло ИНОЯТОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Ташкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.  
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 712 нусха.  
Буюртма Г-640

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.